

Фарзандингизнинг ижобий қаҳрамони бўлинг!

// 12.12.2022

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/video/farzandingizning-ijobiy-qahramoni-boling>

Халқимиз, давлатимиз бугунини кечадан кўра янада яхшилашни ҳар биримиз хоҳлаймиз, аммо бу интилиш ҳалоллик ва виждонни поймол қилиб, эртани барбод этиш эвазига амалга оширилмаслиги керак.

Коррупция бутун жамият ва давлат учун ана шундай ҳалокатлидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.**

9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** томонидан «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамкорлигида тайёрланган ушбу қисқа метражли фильмда шу мақсад илгари сурилган.